



ТОШКЕНТ ОҚШОМ И

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 203 (10.256)

2004 ЙИЛ 19 ОКТЯБРЬ

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 17-18 октябрь кунлари Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб, «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» (МОҲ) ташкилотига аъзо Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов иштирок этган маъруза саммити МОҲ ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганини, фаолияти янгича мазмун билан бойий бошлаганини кўрсатди. МОҲ сафди янада кенгайди - Россия Федерацияси унга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Президент Ислон Каримов таъбири билан айтганда, «Россиянинг МОҲга аъзо бўлиши табиий ва қонуний жараёндир». Негаки «Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик бўлишидан Россия манфаатдор».

Минотидаги узиллишлар ва транспорт қатновидаги англашилмовчиликларнинг олди олинади. Иқтисодийётта оид жиноятларга қарши курашда ҳам консорциумларнинг аҳамияти катта бўлишига шубҳа йўқ. Зеро, ноқонуний савдога ўрин қолмайди, боғжона қондаларининг бузилишига йўл қўйилмайди. Яна бир аҳамиятли томони шунки, бундай консорциумларни ташкил этишда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки каби нуфузли халқаро молия муассасалари ҳам қатнашиш истагини билдирмоқда. Президентлар консорциумлар тузиш концепцияларини атрофича муҳокама қилиб, аъзо мамлакатлар ҳуқуқматларига бир ойда тегишли битимлар лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасини топширишга келишиб олдилар.

Маъруза уч консорциум Президент Ислон Каримов томонидан илгари сурилган Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш ташаббусининг мантиқий самарасидир. Саммит қатнашчилари умумий бозорни шакллантириш концепцияси лойиҳасини тасдиқладилар. Президентлар иқтисодий соҳадаги алоқалар юзасидан фикр алмашар экан, ишбилармон доиралар вакилларининг анжуманларида эришилган натижаларни ҳаётга кенгроқ татбиқ этишга доир масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Ишбилармонларнинг бевоқифа мулоқотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борич зарурлиги қайд этилди.

Музокаралар чоғида президентлар бу борада яқдил эканлигини таъкидладилар. Марказий Осиёда барқарорлик ва тинчликнинг дастаҳкам таъминланиши муайян даражада Афғонистондаги вазиятга ҳам боғлиқ. «Афғонистонда тинчлик ўрнатилмас экан, Марказий Осиёда хотиржамлик бўлмайди», - деди Ислон Каримов. - Афғонистон минтақамизнинг нафакат географик, маданий-тарихий, балки геостратегик жиҳатдан ҳам муҳим бўлганлиги. Шу боис ушбу мамлакатнинг ташкилотимизга аъзо бўлиш учун интилаётгани мантиқан тўридир».

Шу жиҳатдан қараганда Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида Афғонистон вице-президенти Хидоят Амин Арсапо кузатувчи сифатида иштирок этгани муҳим аҳамиятга молик. МОҲга аъзо давлатлар раҳбарлари Афғонистонни тиклаш ишларида яқиндан ҳамкорлик қилиш ва фаоллиқни ошириш ҳақида фикрлашдилар. Бунда расмий Қобул вакилининг бевосита қатнашиши ҳар томонлама фойдали бўлди.

Ислон Каримов минтақамизда Россия ўз манфаатларига эга эканини алоҳида таъкидлади. Бинобарин, Россиянинг қўшилиши МОҲнинг салоҳияти ва имкониятларини янада оширади, фаолиятини янги мазмун билан бойитади.

Президент Ислон Каримов шу йилнинг сентябрида Остонада ўтган МДҲ саммитида террорчилик ва экстремистик ташкилотлар ҳамда уларнинг раҳбарларининг рўйхатини тузиш, шу тарих ҳар бир аъзо мамлакатда бундай ташкилотларни тақиблаш ташаббусини илгари сургани ва бу ташаббус Ҳамдустликка аъзо мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланган эди.

Музокаралар чоғида президентлар бу борада яқдил эканлигини таъкидладилар. Марказий Осиёда барқарорлик ва тинчликнинг дастаҳкам таъминланиши муайян даражада Афғонистондаги вазиятга ҳам боғлиқ. «Афғонистонда тинчлик ўрнатилмас экан, Марказий Осиёда хотиржамлик бўлмайди», - деди Ислон Каримов. - Афғонистон минтақамизнинг нафакат географик, маданий-тарихий, балки геостратегик жиҳатдан ҳам муҳим бўлганлиги. Шу боис ушбу мамлакатнинг ташкилотимизга аъзо бўлиш учун интилаётгани мантиқан тўридир».

Шуниингдек, мамлакатимиз раҳбари Россия Президенти Владимир Путин билан музокара ўтказди. Мулоқот чоғида турли соҳалардаги Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Ислон Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар икки ва кўп томонлама асосда изчил ривожланаётганидан мамнуният билдирдилар. Сўхбат чоғида МОҲ доирасидаги интеграция жараёнларини ривожлантириш ва умуминтақавий муносабатларни янада фаоллаштиришда Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Шуниингдек, мамлакатимиз раҳбари Россия Президенти Владимир Путин билан музокара ўтказди. Мулоқот чоғида турли соҳалардаги Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Ислон Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар икки ва кўп томонлама асосда изчил ривожланаётганидан мамнуният билдирдилар. Сўхбат чоғида МОҲ доирасидаги интеграция жараёнларини ривожлантириш ва умуминтақавий муносабатларни янада фаоллаштиришда Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов иштирок этган маъруза саммити МОҲ ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганини, фаолияти янгича мазмун билан бойий бошлаганини кўрсатди. МОҲ сафди янада кенгайди - Россия Федерацияси унга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Президент Ислон Каримов таъбири билан айтганда, «Россиянинг МОҲга аъзо бўлиши табиий ва қонуний жараёндир». Негаки «Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик бўлишидан Россия манфаатдор».

Музокаралар чоғида президентлар бу борада яқдил эканлигини таъкидладилар. Марказий Осиёда барқарорлик ва тинчликнинг дастаҳкам таъминланиши муайян даражада Афғонистондаги вазиятга ҳам боғлиқ. «Афғонистонда тинчлик ўрнатилмас экан, Марказий Осиёда хотиржамлик бўлмайди», - деди Ислон Каримов. - Афғонистон минтақамизнинг нафакат географик, маданий-тарихий, балки геостратегик жиҳатдан ҳам муҳим бўлганлиги. Шу боис ушбу мамлакатнинг ташкилотимизга аъзо бўлиш учун интилаётгани мантиқан тўридир».

Шуниингдек, мамлакатимиз раҳбари Россия Президенти Владимир Путин билан музокара ўтказди. Мулоқот чоғида турли соҳалардаги Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Ислон Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар икки ва кўп томонлама асосда изчил ривожланаётганидан мамнуният билдирдилар. Сўхбат чоғида МОҲ доирасидаги интеграция жараёнларини ривожлантириш ва умуминтақавий муносабатларни янада фаоллаштиришда Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Шуниингдек, мамлакатимиз раҳбари Россия Президенти Владимир Путин билан музокара ўтказди. Мулоқот чоғида турли соҳалардаги Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Ислон Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар икки ва кўп томонлама асосда изчил ривожланаётганидан мамнуният билдирдилар. Сўхбат чоғида МОҲ доирасидаги интеграция жараёнларини ривожлантириш ва умуминтақавий муносабатларни янада фаоллаштиришда Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Шуниингдек, мамлакатимиз раҳбари Россия Президенти Владимир Путин билан музокара ўтказди. Мулоқот чоғида турли соҳалардаги Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Ислон Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар икки ва кўп томонлама асосда изчил ривожланаётганидан мамнуният билдирдилар. Сўхбат чоғида МОҲ доирасидаги интеграция жараёнларини ривожлантириш ва умуминтақавий муносабатларни янада фаоллаштиришда Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

26
декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов кун

САЙЛОВДА АЁЛЛАР ИШТИРОКИ

Пойтахтдаги Қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежида Акмал Икромов тумани хотин-қизлар қўмитаси ҳамда туман маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида сайловларда аёллар фаоллигини ошириш масалаларига бағишланган ўқув семинари ўтказилди. Унда тумандаги мавжуд элликта маҳалланинг фаол аёллари иштирок этди.

тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган эди. Қонуннинг 22- моддаси Хотин-қизлар сони сиёсий тартипларда кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг қамиди ўттиз фоизини ташкил этиши лозим, деган туртинчи қисм билан тўлдирилди. Мамлакатимизда салоҳиятли, ўқимшли аёллар талайгина, лекин бугунги кунга қадар депутатликка номзодлар орасида аёллар озчиликни ташкил этарди. Маъруза қонун эса, уларнинг сиёсий фаоллигини оширди, бўлажак сайловларда аёлларга ўз кучларини синаб кўриш учун кенг имкониятлар берди.

Учрашувда сайлов жараёнига тайёргарлик, сайловолди кампаниясининг бориши ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, Олий Мажлисдан тақлиф этилган депутатлар икки палатали парла-

ментини моҳияти, вазифа ва мақсадлари ҳақида маълумот бериши.

Иккинчи қақирқ Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс»

XXI сағоси

Барча малбалардан
олинган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

- Бухоро вилояти деҳқонлари қабул пунктларига 360 минг тоннадан зиёд пахта топшириб, шартнома мажбуриятини бажардилар. Ушбу кутлуг зафар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Бухоро вилояти пахтакорлари ва барча меҳнатқашларига самимий табрик йўллади.
- Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ахборот марказида Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ташаббуси билан «Марказий Осиёда трансгеогра муаммолари ва экологик хавфсизлик» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида «Устоз ва шоғирдлар» мавзусидаги кўргазма давом этмоқда.
- Янгибозор тумани пахтакорлари Хоразм вилоятида биринчи бўлиб, давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятини бажарди. Улар қабул пунктларига 26660 тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширдилар.
- Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг қақирву пунктида сараланган йигитларнинг дастлабки гуруҳини ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан Чирчик шаҳрида дуатлон бўйича ўтказилган мамлакат чемпионати якунланди.

- #### Жаҳонда
- Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Тожикистонга расмий ташрифи давомида ушбу мамлакатда Россия ҳарбий базаси очилди.
 - Покистоннинг жанубий-шарқида гаровга олинган икки нафар хитойлик муҳандис мамлакат хавфсизлик кучлари томонидан озод этилди.
 - Венгрия пойтахти Будапештда неонацизм, терроризмга қарши намойиш бўлиб ўтди.
 - Шимоллий Осетиянинг Беслан шаҳрида террорчилар хуружи оқибатида жабранган болаларнинг бир гуруҳи Кримдаги машҳур «Артек» оромгоҳида дам олмақда. Украина Президенти Леонид Кучма болалар билан учрашиб, уларга май ойига бу ерда ўқиб дам олишни тақлиф этди.
 - Бошқариладиган «Саюз ТМА-5» космик аппарати фазода Халқаро космик станцияга илк бор кўл режимда, лекин муваффақиятли туташтирилди.

Иқтисодиёт

**ХАРИДОРГИР
МАҲСУЛОТ-
ЛАР**

Ички бозоримизни сифатли, кўркам, харидор-гир маҳсулотлар билан тўлдириш тadbиркорлардан изланиш ва анчагина сазй-ҳаракатларни талаб қилади.

Сергеи туманидаги «Savoy servis» хусусий фирмаси тadbиркорлари ҳам бугунги кунга келиб ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулотларнинг янгидан-янги турларини яратиш асносида сезиларли ютуқларга эришмоқда.

Хозирги кунда 15 нафар малакали ишчи-хизматчилардан иборат жамоа ахли ғайрат-шижоати билан сифатли, чиройли кадоқланган майонез, кетчуп ҳамда ханталлар замонавий дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилган цехларда барча санитар-гигиеник талабларга риоя қилинган тарзда тайёрланмоқда.

Жумладан, корхонада ишлаб чиқарилаётган 0,5 ва 1 литр ҳажмли «Олмали», «Кулупнайли», «Цитрусли», «Атиргулли», «Мевали» каби шампулар аллақачон ўзининг нафақат шифобахш хусусиятлари, балки нархларининг нисбатан арзонлиги билан ҳам миқозларни мамнун қилмоқда. Шунингдек, корхона тасарруфидидаги «Savoy soft drink» шўба корхонасида тайёрланаётган газланган ва шифобахш минерал моддаларга бой «Лимон», «Абрикосли», «Кола», «Малина», «Дюшес» чанқовбосди ичимликларининг бюртмачилари сафи ортиб бормоқда.

**КЎП ҚИСМИ
ХОРИЖГА**

Мирзо Улугбек туманида иш юритаётган «Асбосоз» очик акционерлик жамияти жамоаси ҳозирда сифатли, рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор қаратишган.

— Бугунги кунга келиб, ишчи-хизматчиларимиз томонидан — дейди жамият бошқаруви раиси Мурад Валиев, — 2000 турдан ортик харидорбор маҳсулотларимиз «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги билан 90 фоизи хорижга экспорт қилинмоқда. Эътиборли томони, жорий йил охиригача корхонамиз Россия ҳамда Украина давлатлари билан 200-220 минг долларлик шартномани имзолаган.

Корхонанинг тажрибали, ўз ишининг усталари бўлган мутахассислари ўтган йиллар мобайнида доимий синовлардан ўтмоқда. Негаки, ҳар бир янги маҳсулот то ишлаб чиқаришга татбиқ қилинганга қадар катта машаққат ҳамда изланишлар эвасига яратилади. Ишлаб чиқаришдан олинган фойда корхонани ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Муҳаббат
ХАБИБУЛЛАЕВА

ЎЗБЕКИСТОН МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон Бадний академиясининг Замонавий санъат марказида «Ўзбекистон манзаралари» деб аталган фото-кўргазма очилди. У Тошкент Фото уйи томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг ўзига хос табиий ва иқлим шароити табиат манзараларини тасмага туширувчи фотосуратчиларни мамлакатимизга жалб қилади. Пурвиқор тоғлар, кенг водийлар,

чўллар чексиз пахта далалари билан гутатиб кетган. Қуёшли кунларнинг кўплиги эса табиат кайфиятидаги но-зик хиҳатларни ҳам ҳис этиш имконини беради.

Қатор етакчи фотосуратчиларимиз кўп йиллардан буён манзара жанрида муваффақиятли ишлаб келмоқда. Улар юзлаб ва минглаб километр тоғли йўлларни босиб ўтиб, жуда кўп ноёб

суратлар олган.

Кўргазмада Ленур Аметов, Турсун Али, Виктория Боц, Раҳмонберди Исломов, Исқандар Содиқов, Валентин Ермаков, Ҳамдам Шорақмедов, Владимир Жирнов ва бошқа фотосуратчиларнинг ижоди намойиш этилмоқда. Уларнинг асарларида суратга олиш жойи, вақти ва нуқтасини танлашга ҳамда бадий ифода услубларига ўзига хос ёндашув кўринади.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

— Шаҳримизда иситиш мавсуми бошланди, десак бўлаверадими?

— Албатта, бўлади. Негаки 15 октябрдан Тошкент шаҳар ҳокимининг «Иссиқлик манбаларида айланма ҳаракатни ишта тушириш тўғрисида»ги қарорига кўра иситиш мавсуми бошланиб, асосан болалар ва даволаш муассасаларига иссиқлик узатиш бошланди. Бунинг учун соҳа ходимлари масъулиятни ҳис этган ҳолда қатъий режа асосида эрта баҳордан сазй-ҳаракатни бошлаб юборишган эди.

Жорий йилда шаҳримиздаги 43 та мактаб ва 65 та болалар-боғчасида, 36 та касалхона ва 36 та поликлиникада иссиқлик тизимлари тубдан таъмирланди. Шунингдек, 272 та мактаб ва 440 та болалар боғчасида аниқланган камчиликлар асосида жорий таъмирлаш ишлари тўла бажарилди. Бу ишта жалб этилган мутасаддилар сифатга алоҳида эътибор қаратишиб, режадаги юмушларни ўз вақтида, иситиш мавсуми бошланишидан олдин якунлашди.

— Иш жойимиз, ташкилот ва муассасалар, хонадонларимизнинг иссиқлик билан маромида таъминланишида шаҳримиздаги мавжуд қозонхоналар, иссиқлик қувурлари ва тармоқларининг созлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу борада қандай ишлар бажарилди?

— Мавжуд қозонхоналардаги 96 та қозонлар тубдан ва 364 та қозон жорий таъмирдан чиқарилди. Ушбу юмуш 100 фоизга адо этилди. 97 километр иссиқлик қувурлари филофланиб, 70 километрдан ортик узунликдаги иссиқлик тармоқлари алмаштирилди.

— Кўп қаватли уйларда капитал таъмирлаш ишлари қандай олиб борилди?

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарориди тасдиқланган режа асосида жорий йилда пойтахтимизда 789 та кўп қаватли уйни тубдан таъмирлаш кўзда тутилган эди. Ҳозирда 690 та уйда ушбу зарур юмуш бажарилиб, унинг 350 тасидаги хонадонларга иссиқ ҳамда совуқ сувни ўлчаш ускуналари ҳам ўрнатиб бўлинди. Қолганларида эса ҳисоблагичлар ўрнатиш ушшоқлик билан олиб борилмоқда. Шунингдек, режага мувофиқ қолган уйларда капитал таъмирлаш ишлари ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Бунинг асосий сабаби хусусида тўхталадиган бўлсак, йил бошида режадаги барча уйларни капитал таъмирлаш учун смета-лойиҳа ҳужжатлари тузилган бўлиб, лекин кейинчалик материаллар нархи ошиши натижасида маблағ етишмади. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда туман ҳокимликлари томонидан кредит масаласи ҳал этилиб, шаҳар ҳокимлиги кўмагида керакли мате-

риаллар олинди. Жорий йилда режаланган уйларнинг барчасида капитал таъмирлаш ишлари тугалланади.


— Шаҳримиздаги барча уйларни қишга тайёрлашда яна қандай юмушлар адо этилди?



Қиш тайёргарликни ёқтиради

**МАСЪУЛИЯТ БИЛАН
ЁНДОШИЛДИ**

Ҳавонинг совийши бирданига барчамизни шошириб қўйди. Бу, албатта, остонада турган қиш фаслидан дарак. Шубҳасиз, ҳар фаслнинг ўз хислати, фазилати баробарида, зарур юмушлари ҳам сероб. Айниқса, қиш фасли олдиндан тайёргарликни ёқтиради. Ҳозирда кўп қаватли уйларда яшовчи ҳамшаҳарларимизда «Уйимиз иссиқ бўлармикан?» деган ҳадик ҳам йўқ эмас. Негаки, рўй-рост айтганда, қишга тайёргарлик кўнгилдагидек амалга оширилмаса, сарсонгарчиликлар, сансалорликлар бўлиши, айрим ҳамшаҳарларимизнинг совуқ хонадонларда чора тополмай яшати ширинлиги билан қизиқиб, бу ҳақда ҳамшаҳарларимиздан келатган мактуб ва кўнғироқларга жавоб топиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори ўринбосари Иброҳим ХОЛИМАТОВга бир нечта саволлар билан мурожаат этдик:



— Аввало шуни таъкидлаш керакки, пойтахтимизда 9301 та кўп қаватли уйлар бўлиб, улар 400 га яқин уй-жой мулкдорлари ширкатларига бирлашган. Уларнинг барчасида иссиқлик бўғинини таъмирлаш, иситиш тизимини ювиш каби асосий ишлар тугатилган. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, ана шу ширкатларга ёрдам бериш мақсадида туман ҳокимликлари вакиллари уй-жойларнинг ҳолатини қишга тайёрлаш учун барча уйларни айланиб чиқишди. Иссиқликни сақлаб туришда, иқтисод қилишда зарур бўлган уйларнинг йўлак эшиклари ва ойналарини таъмирлашга эътибор қаратилди. Ҳомийлар кўмагида таянган ҳолда бугунги кунда 26 минг квадрат метрга яқин, яъни

белгиланган 85 фоиз йўлакларига ойна қўйилди, 90 фоиз эшиклари таъмирланди. Бу иш режаси 90 фоизга бажарилди. Уйларнинг йўлакларига 1512 та, шу жумладан 911 та металл эшиклар ўрнатилди. Яна 500 та эшиклар ўрнатиш ишлари жадал олиб борилди. 480 минг квадрат метр томлар таъмирдан, чиқарилди. Сирасини айтганда, бу йил ҳар қачонгидан кўра масъулият билан қишга тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Лекин шу ўринда бир нарсани таъкидлаш ўринлики, айрим ширкатларда нафақат ходимлар, балки яшовчилар, яъни мулкдорларнинг ўзлари ҳам уй-жойларни сақлашга, авайлаб-асрашга, мажбуриятларини бажаришга масъулият билан ёндошмайпти. Негаки, улар эндиликда юқоридан ёрдам кутмай, барча ишларни ҳамжиҳатликда бажариш билан бирга, ўз уйларини сақлашга ҳам эътибор қаратишлари лозим. Яшовчилар талабчан, эътиборли бўлишса, ҳақ-ҳуқуқлари баробарида мажбуриятларини, энг муҳими мулкдорлик ҳиссини англашса фақат ўзларига фойда бўлади.

Буни четдан биров келиб эмас, фақат ўз кучимиз, ҳамжиҳатлигимиз, тўплаган маблағимиз (фойдаланиш харажатлари) ҳисобига амалга оширамиз деб ўйлаш керак. Шунингдек, ширкат бошқаруви раисини танлашда масъулият керак. Бир сўз билан айтганда, боқимандалик кайфиятидан қутулиш керак. Тўловларни эса ўз вақтида бажариш намунали хизматни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик лозим.

— Кўп қаватли уйларнинг хонадонларига иссиқлик бериш бошландими?

— Ҳа, режа асосида иссиқлик бериш бошлаб юборилди. Лекин бу иссиқликни сақлаш, ундан оқилона фойдаланиш нафақат хизмат кўрсатувчиларга, балки яшовчиларга ҳам боғлиқ. Ахир хонадон эгаси ҳам ўз яшаш жойини мавсумга тайёрлаши керак-ку. Бежизга «Сендан ҳаракат, мендан баракат» дейишмайди.

**Сўхбатдош Шарифа ИЛЁСОВА
ТАҲРИРИЯТДАН:** Азиз ҳамшаҳарлар! Сиз истиқомат қилаётган кўп қаватли уйда қишга тайёргарлик кўнгилдагидек олиб борилдими? Мулкдор сифатида сиз бунга қандай ҳисса қўшдингиз? Сиз аъзо бўлган ширкатнинг иши сизни қониқтирадими? Коммунал соҳадаги ислохотларни амалга оширишда нималарга эътибор қаратиш лозим? Ва хонадонингизда иссиқлик жойидими? Лозим топсангиз мактуб йўллаб, кўнғироқ қилинг. Биз ҳамма ёрдамга шаймиз. Телефон: 133-45-84.

Транспорт

**КОРХОНАНИНГ
ЎЗИДА ТАЙЁР-
ЛАНМОҚДА**

«Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компаниясига қарашли 2-автобус саройи жамоаси йўловчиларга намунали транспорт хизмати кўрсатиш йўлида тадбиркорлик билан иш юритмоқда. Транспорт воситаларини бутлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳам яхши натижалар бермоқда.

Эҳтиёт қисмларга бўлган талабни қондириш мақсадида саройи техник ва муҳандислари ўртасида техника ижодкорлиги кенг йўлга қўйилди. Натижада қатор янги турдаги эҳтиёт қисмларни саройининг ўзида тайёрлаш имкони туғилди. «ЯМЗ-236» русумли автобус моторининг валлари ҳам юзага келди.

«Мерседес-Бенц» автобуслари учун зарур мосламалар рационализаторлар изланишлари маҳсули бўлди. Бу каби техника янгиликлари тўғрисида сарой катта иқтисодий фойда кўрмоқда.

**КИШКИ
МАВСУМГА
ШАЙ**

Шаҳар йўловчи транспортларини кузги-кишки мавсумга тайёрлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. «Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компанияси тизимидаги 5-сон автокорхона жамоаси ҳам бу борада жонбозлик кўрсатиб, яхши натижаларга эришмоқда.

Автокорхонадаги «Мерседес-Бенц», «Лаз», «Паз» русумли автобусларнинг кўпи соҳа халқига келтирилди. Қолганлари эса туб таъмирдан чиқиб арафасида турибди. Таъмирлаш устахоналарида 80 нафарга яқин малакали усталар жалб этилди. Улар орасида аккумулятор соловчилар, автоэлектриклар кўпчиликни ташкил этади.

Айни вақтда иситиш тармоқлари тўла техник назоратдан ўтказилди. Шунингдек, 60 тонналик ҳажмга эга бўлган қўшимча цистерна ўрнатилди.

**ЯНГИ ТЕХНИК
СТЕНД**

Бугунги кунда Тошкент метрополитени хизматидан кўплаб йўловчилар баҳраманд бўлишмоқда. Шу сабабли ҳам ерости темир йўлларида қатнаётган поезд вагонларининг бир маъромда ҳаракатланиши учун барча имкониётлар ишга солинмоқда.

Метро вагонларининг «АК-63-1м» турдаги автоматик ўчиргичларини текшириш стендининг яратилиши ҳам айни муддао бўлди. Эшик механизmlарини созлаш мосламаси ҳам юзага келди.

Метронинг қиммат металл лабораторияси ходимлари изланишлари билан мис чиқиндиларини қайта ишланганининг техник жараёни йўлга қўйилди.

Ақбар АЛИЕВ

**ҚОНУН ИЖРОСИГА
БАҒИШЛАНДИ**

Олимпия шон-шухрати музейида Республика Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Миллий Олимпия қўмитаси томонидан ижро этилиши ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган федерациялар, спорт жамиятлари Миллий Олимпия қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон спортчиларининг Олимпиада ўйинлари, турли халқро мусобақалар, китъа ва жаҳон чемпионатларидаги иштирокини таъминлайди. Вазирлик томонидан аҳолининг жисмоний камолот даражасини аниқлаш мақсадида «Алпомийш» ва «Барчиной» тест-нормативлари ишлаб чиқилган. 2003 йилда ушбу нормативларни 2 миллион 968 минг киши муваффақиятли топширган бўлиб, уларнинг 1 миллион 377 минг нафари аёллардир.

Хозирда вазирлик тасарруфидаги Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида спортнинг 14 тури бўйича мутахассислар тайёрланади. Шунингдек, Вазирлик қошида Шарқ аққурашлари маркази, Спорт фахрийлари кенгаши ва Ногиронлар спорт ассоциацияси тузилган. Улар аҳолининг турли қатламлари орасида тарғибот ишларини олиб бормоқда. Мамлакатимизда ногиронларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишлари учун вазирлик ва унинг бўлинмалари томонидан махсус дастур ишлаб чиқилган. Республикада 64 та спорт федерация-

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмасида мамлакатимизда ёғ олинадиган донли экинлар турини кўпайтириш ҳамда қайта ишлаш санъатини такомиллаштириш масалаларига бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда Германия, Дания каби хорижий мамлакатларнинг ишбилармонлари доираси вакиллари иштирок этди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раиси М.Худоевнинг кейинги йилларда мамлакатимизда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, ёғ ва маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимини ривожлантиришга катта эътибор берилаётганини таъкидлади. Айни вақтда юртимизда фаолият кўрсатаётган ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг аксарияти

фақат пахта чигитини қайта ишлашга ихтисослашган. Хозир мазкур корхоналарда йилга 250 минг тоннадан кўпроқ ёғ ва бошқа маҳсулот тайёрланмоқда. Аҳолининг ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини қондириш учун қарийб 320 минг тонна шундай маҳсулот зарур. Бу эса импорт ҳисобига тўлдирилмоқда. Ваҳоланки, юртимизда маккажўхо-

ри, кунжут, зиғир, махсар каби донли ўсимликлардан ҳам ёғ олиш имкониётлари мавжуд. Анжуманда ана шу ўсимликлардан ёғ олишни санъатлаштириш, тармоққа хорижий сармояни кўпроқ жалб этиш, корхоналарни замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозлашни янада кучайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

ЎЗА

“АЗИЗА ЗИЁ” ЎҚУВ МАРКАЗИ

Юртимизда ёшларнинг пухта билим эгаллашлари учун кенг имкониётлар яратилмоқда. Бу борада жойларда фаолият юритаётган турли ўқув марказларининг алоҳида ўрни бор. Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги йигит-қизларни тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртига тайёрлайдиган «Азиза Зиё» ўқув маркази шундай маскан ҳисобланади.

Республикамиз таълим тизимида жорий этилган тест синовлари энг билимдон ёшларни саралаб, талаба бўлишдек баҳта муаясир этмоқда. Бунинг учун ҳар бир йигит-қиз фанларни пухта эгаллаши зарур бўлади. Мазкур ўқув марказининг ташкил этилиши илм ўрганувчи ёшлар учун айни муддао бўлди. Марказда кимё, биология, ўзбек тили ва адабиёти фанларидан чуқур ва пухта билим берилади.

Билим масканида махсус ўқув дастури ишлаб чиқилган бўлиб, у мактаб ва академик лицейлар дастурларини қамраб олган. Хозирда ушбу ўқув марказида нафақат пойтахт, балки республикамизнинг турли вилоятларидан йигит-қизлар келиб таълим олишмоқда.

Эндиликда «Азиза зиё» ўқув маркази ёшларни бошқа ўқув юртига тайёрлаш учун тарих, инглиз тили ва ҳуқуқшунослик фанларини чуқур ўргатувчи гуруҳлар очиб, ўз фаолиятини янада кенгайтириш ниятидамиз.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

Ҳамкорлик

**ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ
БОШЛАНДИ**

Хозирда мамлакатимизнинг дунё миқёсида ўз ўрни, нуфузи тобора ошиб бормоқда. Зеро, юзлаб хорижий компаниялар, корхоналарнинг юртимизда самарали фаолият юритаётгани ҳам фикримиз далилидир.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 23 апрелдаги фармойишига мувофиқ, Тошкент шаҳар ҳокимининг 14 июндаги қарорига асосан Ўзбекистон — Корея ахборот технологиялари ўқув маркази ташкил этилган эди.

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурдаги ўшбу ўқув маркази машғулотлари бошланишини ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз-

даги муҳим янгиликлардан бири дейиш мумкин.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакиллари, Корея Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (KOICA)нинг Тошкент бўлими раҳбарияти, ўқув марказининг илк тингловчилари, маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишти.

Марказ замонавий компьютер ускуналари, локал компьютер тармоқлари, Интернет тизими билан тўла таъминланган.

Тадбир давомида маҳаллий ОАВ ходимларига интервью берган Корея Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги Тошкент бўлими директори жаноб Ким жумладан шундай деди: — Ўзбекистон — Корея ўртасидаги муносабатларнинг йилдан-йилга ривожланиб бораётгани кишини тўлқинлантиради. Энди марказ фао-



лият ҳақида тўхталадиган бўлсам, илк қалдирғочларимиз WEB дизайн (Maromedia, Adode Photoshop, Corel Draw), IP телефони (Интернет орқали масофадан телефон алоқасини ўрнатиш), NETWORK (локал компьютер тармоғи) сингари бир қатор йўналишлар бўйича ўз малакаларини оширадилар.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, ўқув марказининг илк тингловчилари келажакда электрон — ахборот соҳасининг етук билимдонлари бўлиб етишадилар. Биз уларга омад тилаймиз.

Хидирали ПАНЖИЕВ
СУРАТЛАРДА: ўқув марказининг илк тингловчилари.

Тоҳир Нигматуллаев
олган суратлар.

«Хурматли тахририят, биз ота-онадан ёлғиз ёдгорлик бўлиб, икки фарзанд қолганми. Укам ва мен. Турмуш тақозоси билан мен оилам билан Қўқонга кўчиб кетганман. Шундай бўлса-да, эрим билан Тошкентга ой сари қолиб чол-кампириларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турардик. Афсуски, бу ёруғ оламга ҳеч ким устун бўлмас экан. Нуридийдам онажоним, жон қадар азиз отажоним бир кунда оламдан ўтишди. Худо раҳматига олгур қарияларнинг маъракаларини ўтказиш кўпроқ менинг зиммасига тушди. Албатта укам ҳам қараб турмади, майда-чуйдаларга қарашиб юборди.

Гап шундаки, ота-онамиздан дангиллама ҳовли бизга ёдгорлик бўлиб қолган. Ҳозир бу ҳовлига яққа-ю ягона укам оиласи билан ҳукмронлик қиялпти. Бугунги кунда у мена тегишли меросни беришдан бош тортяпти. Ахир бир ота-онанинг боласи бўлганимиздан кейин улардан бизга қолган меросга мен ҳам укам билан баб-баравар даввогар бўлишга ҳақким бор-ку. Шундай экан уй-жой, ҳатто мол-мулклар ҳам ўртамизда тенг бўлиниши керак-да. Наҳотки шундай бир оқдод ҳақиқатга укамнинг ақли етмаса. Ақли етсади, лекин у ҳозирча беш қўлини озғига тиялпти. Туғишгандан воз кечиб бўлса-да, бутун меросни ўзиники қилиб олмақчи. Бундай ноинсофликка қайси инсон зоти чидайдики, биз чидасак. Матбуотнинг одил ҳақамлигига тўла ишонамиз. Шундай экан сиз тахририят ходимларидан адолат нуктаи назаридан иш тутиб масалани ижобий ҳал қилиб беришларингизни илтимос қиламиз.

Хурмат билан Саодат».

Мақтуб йўлга қўлади

МЕҲР-ОҚИБАТ КЎТАРИМАСИН

Мақтубни ўқиб ўйлаиб қолдик. Аввало туғишган опа-укамнинг мерос талашиб меҳр-оқибатни унутётганларидан ранжидик. Мол-давлат топилади, аммо жигар топиламайди. Бир қориндан талашиб тушган инсонларнинг ота-она вафотидан сўнг келишмовчилик қилиб, сан-манга бориб қолишлари биз учун қандайдир айри табиийдек туюлди. Ахир етти ёт бегоналар ўзгаларга ёрдам қўлини чўзиб, меҳр кўрсатиб турганда жигарлар ўртасидаги бу оқибатсизликдан ким ҳам ранжимайди, дейсиз. Наилоҳ, моҳиятан масала шундоқ экан, бизнинг вазиғамиз ҳақ билан ноҳақнинг тағига етиш. Сўраб-суриштириб, қўрган-билганларимизни тарозининг икки палласига солиб, тош босган томонига қараб иш тутиш. Шу мақсадда йўлга отлаиб турсақ, хонага сўроқсиз, истоқсиз икки киши — аёл билан эркек зарда билан кириб келишиди.

— Бизга шикоятлар бўлими керак эди, — сўрашди улар томондан тараша тушгандай. Узбекна одатимизга кўра нотаниш одам биринчидан киришга изн сўрайди. Иккинчидан олдин саломлашиб, кейин бошқа гапга ўтади. Бундай ҳодаларни унутиб, хонада бостириб кирган эркек ва аёлга таажуб билан тикилиб қолдик.

— Сиз истаган бўлим айнан шу. Хизмат, — дедик сўнг гапни қисқа қилиб.

Эр қолиб, аёл сайраб кетди. Биз атайлаб Қўқондан келдик. Сизларга шикоят мақтуби йўзлаган эдик. Негадир шу вақтгача жавобини ололмадик.

— Хат мазмунини тушунтиринг. У қанақа шикоят эди?

— Бу гапингиздан хали хат билан танишмаган кўринасиз. У уй-жой, мерос масаласидаги шикоят хати эди.

— Шундай денг. Мақтубингиз билан танишиб чиққанми. Ҳозир унинг издан бориб укамнинг яшаётган маҳалла аҳлидан бўлган воқеани сўраб-суриштиришга отланган эдик.

— Шундаки? Демак, вақтида етиб келибмизда, — деди аёл ишайиб. — Хуллас, мен сизга айтсам ноинсоф укам бир йилдан бери бизни сарсон қилиб, улушимизни бермади. Майли, шу ҳовли-жой ўшанга қолишига ҳам розимиз. Лекин «Уйнинг баҳосини чиқарайлик. Шунга қараб ярим пулини бизга бер. Ахир поччанг билан жўжабирдек жонимиз» десам хали у деб, хали бу деб гапга солади. Ахир Қўқон билан Тошкент ораси икки қадам эмаски, эр-

хотин ҳар икки кунда келиб-кетсак. — Масалани адолатли ҳал қиладиган маҳалла оқсоқоллари, фаоллари бор-ку. Нега ўшаларга мурожаат қилмадинглар? — Ҳамма гап шунда-да. Укам бутун маҳаллани қўлга олиб бўлган. Узи йўқнинг кўзи йўқ. Уларнинг ҳаммаси бери бўлиб «Сизнинг бу уйда ҳақингиз йўқ», дейишяпти. — Нега? Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Наҳот-ки...

— Уларнинг билиб олгани ота-онамиз ҳаётлигида биз улардан хабар олмаган эмишми. Қарияларнинг иссиқ-совуғига фақат укамиз қараган эмиш. Улар касалхонага тушиб қолганларида елиб-югурган ҳам, охири ота-онамиз оламдан ўтганда маъракаларини ўтказган ҳам, қўнган ҳам укамиз эмиш. Тўғри, қарияларнинг ёнида бўлгандан кейин уларга қаради, кўмади-да. Ахир ота-онани сўнги йўлга кузатиш ўғилнинг вазиғаси-ку. Қиз бола бировнинг ҳасми. Бунинг устига биз узоқда бўлсак, вақтида келолмасак, агар ишонмасангиз юмушимиз қўллинг, етишмовчиликдан таъзиянинг учинчи кўни аранг етиб келдик.

Ўртамизда бўлиб турган қисқа мулоқотнинг ўзи бу аёлнинг истаги, мақсаду ниятини анча ойдинлаштириб берди.

— Ҳозир ҳақингизни талаб қилиб, қун ора келишга вақт топибсиз-ку.

— Вой, сиз ҳам қизик экансиз-ку. Нима қилайлик, пул зарур бўлгандан кейин келатмиз-да.

Эр аёлга нисбатан анча ориятли шекилли «чурқ» этиб оғиз очмади. Унинг бошини солиштириб, беозоргина ўтириши бу бечоранинг хотинига аллақачон тобе бўлиб қолганидан дарак бериб турарди. — Майли, — дедик ниҳоят вазиғатдан теэроқ кутулиш учун, — биз ҳам бир сўраб-суриштирайликчи.

— Яна овоза бўлиб келамизми. Ахир газетангизнинг бир четиға бизнинг ҳақлигимизни ёзиб, укамизнинг қилмишини фош этиб қўя қолмайсизми?

— Йўқ. Бу масалани яхши-лаб ўрганиш керак. Ким ҳақ, ким ноҳақлигининг тағига етишимиз лозим.

— Ишқилиб сиз ҳам ўшалар томонга ўтиб кетмасангиз бўлгани.

Учрашув вақтини шу кунга туздан кейинга белгилаганимиздан кейин эр-хотин хайр-маъзурини қуюқ қилиб чиқиб кетишди.

Афсуски, суриштирув натижаси шикоятчилар томонга ҳал

бўлмади. Маълум бўлишича, Саодатхон олдинги эрини ташлаб, бир кечада бегона эркек билан ўзга юртга ном-нишонсиз қочиб кетган экан. Орадан 20 йил ўтса ҳамки, у ота-онасидан мутлақо хабар олмаган. Ҳатто қаердалигини билдириб, уларга икки эрлик хат ҳам ёзмаган. Ота-она кизининг қилмишидан уялиб, куюниб, кейинроқ эса дийдорига зор бўлиб, бор бўла туриб йўқ бўлиб кетган фарзанди доғида қуя-қуя оламдан ўтишди. Саодатхон толган эри билан билибми, билмайми, хуллас таъзиянинг учинчи кўни етиб келибди. Шундан бери укаси билан ўртада уй жанжалли экан.

— Унинг мерос талаб қилишга маънан ҳаққи йўқ. Қолаверса бу уйни укаси Алижон ўз пешона териси билан топган маблағи эвазига эски уйни бузиб қурган. Орадан шунча йил ўтиб, ота-онани йўлига интизор қилган, уларнинг холидан акалли бир марта хабардор бўлмаган аёл қандай қилиб тайёр ошга шерик бўлиши мумкин, — деган гапни айтишди бизга маҳалла фаоллари.

Охири сўзни Алижон айтди: — Агар опамга мерос керак бўлса, чўзилиб ҳар эшикка бурнини тикавермасин-да, судга мурожаат этсин. Хуқуқшунослар қандай хулосага келишса, мен шунга розиман.

Укада инсоф бор экан. У опаси сингари туғишганини тупрокка қориштирмади. Санманга бормади. Масаланинг адолатли ҳал этилишига розилик берди.

Хуллас иш судга ошди. Биз ҳам адолатли ҳукм танихасини кутдик. Яқинда маҳалла оқсоқоли тахририятимизга кўнгироқ қилиб, суд масалани Алижон фойдасига ҳал этганини билдирди.

— Сиздан бир илтимос, бизни хижолатга қўйиб маҳалланинг номини ёзмагн, агар иложи бўлса, опа-укамнинг аниқ манзилини ҳам кўрсатмаганларингиз маъқул. Ким билсин, вақти келиб жигарлар қилмишларидан пушаймон бўлиб, бир-бирлари билан ярашиб, топишиб кетишар, ўшанда газеталдаги мақола билан унинг кўнглида бир умрлик армон бўлиб қолмасин, дейман, — деди сўзининг охирида маҳалла оқсоқоли.

Биз ҳам шундай қилдик. Нима бўлса бўлсин, лекин ўртадан меҳр-оқибат кўтарилмасин. Ахир, қачон уй-жой ота-онадан, опа-укадан азиз бўлибдики, бу сафар азиз бўлса.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ



Улкамизда қуз. Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

Тўқилмаган ҳисоблар

САБАБИНИ СОДИҚ БИЛАДИ

Содиқжон танишидан уй олиш учун қарз кўтарди. Таниши Жавлонбек рози бўлди. Фақат Содиқжон қарзни бир ой ичида йигирма фоиз устама билан қайтариши шарт. Начора, Содиқжон рози бўлди. Иккиса, уйсиз қарзиди-да.

Қарзни бериш муддати етди. Аммо Содиқжон қайтаролмади. Устамалар ўсаверавди Жавлонбек эса ҳар кўртанда сўрайверди 5 сил қилиб юборди. Охири суяк-суягидан ўтиб кетган Содиқжон уйини сотиб қарзини икки баравар қилиб қайтарди.

Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ бўлади, деб айтилгани бежиз эмас экан. Содиқжоннинг ишлари юришиб ҳам кетди. Уй сотиб олди. Обруй жойиди.

Кунларнинг бирида бошлиқнинг ўйида суннат тўй олдилан йигин бўлди. Ишхона ақли жамулжам. Тўйга Жавлонбек ҳам келган. Сўхтаб қизигандан қизидики. Йигилганлардан бири айни кунларда одамгарчилик, меҳр-оқибат ришталарига соя тушаётганидан нолиб

гапирди. Бошлиқнинг ўринбосарлари эса маҳалладошларидан бири устама билан бўлиб қўйналди қолганини, одамлар судхўрлик йўлига ўтиб олишганини сўзлаб берди. Хуллас, судхўрлик Қуръони Қаримда ҳам таққидланганлигини гапира туриб, йигин қатнашчиларидан бири судхўрликни лъанлатлади, судхўрларни эса энг бахил, энг паст одамлар дея атади.

Содиқжон жимгина ерга қараб ўтирди. Рўпарасидаги Жавлонбекка қаради. Қизиғи, Жавлонбекнинг ранги оқариб, тезариб кетган эди.

Жавлонбек шахд билан ўрнидан турди, ниманидир баҳона қилиб ташқарига чиқди-да, уй эгаси — бошлиқ билан ҳам хайрлашмай жўнаб қолди.

Ҳамма ҳайрон. Бунинг сабабини эса фақат Содиқ билди.

Аъзам ЁДГОРОВ

КАМТАРГА КАМОЛ, АММО...

Дилкаш акам бор. Катта идоранинг бошлиғи. Туғишгандай бўлиб кетганми. Жуда камтар. Бошқалардан аввал биринчи бўлиб салом беради. Уйдан



Мақтуб — кўнги ойнаси. Унда акс этган воқеалар мақтуб эгасининг қалбидан нималар кечаётганлигини шундоққина билдириб туради. Кувонарлиси шундаки, «Хатлар—ҳаёт ойнаси» саҳифасига сиз азизлардан келаётган хатларда кундалик ҳаётимизда рўй бераётган ижтимоий, сиёсий, маданий воқеаларга муносабат билдирилсади, бирор бир тармоқда юз бераётган салбий жараёнлар танқид остига олинади, ушбу камчиликни тезда бартараф этиш бўйича тақлифлар берилади. Бу ҳолат «Тошкент оқишми» газетаси тахририяти «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифасини ташкил қилиб оқилона юмушга қўл урганлигидан далолатдир. Зеро, матбуот — халқ минбарини. Унда сиз азизларнинг фикр-мулоҳазаларингиз, хоҳиш-истақларингиз акс этиши шарт. Дарвоқе, газетамизнинг мухлислари нафақат шахримизда, балки бошқа вилоятларда ҳам қўнайиб бораётганлиғи тахририят ходимларининг меҳнатлари бесамад кетмаётганлигига далилдир.

Сўраган эдингиз...

САЛОМАТЛИГИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг турли жабҳалари: корхона, ташкилот, офис, маҳаллаларда ҳамда хусусий тадбиркорлар томонидан замон талаблари, иш зарурияти ҳамда аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида ажратилган хоналарда ксерокопия ашпаратлари ўрнатилган ва улардан кенг қўламда фойдаланиш одат тусига айланганлиги ҳаммага аён.

Бу ксерокопия хоналарда ишловчиларнинг соғлиқлари учун зарарли эмасми? Шу ҳақда маълумот берсангиз?

Т.Обидов хизматчи.

Дунё олимлари томонидан узоқ йиллар давомида олиб борилган кузатишлар, илмий-тадқиқот ишлар хулосаларига кўра, табиатда момақаллироқдан сўнги ҳаво таркибидаги тарқалган хушбўй хидли озон газидан саломатликларига зарар келтирмаслиги, лекин қуёш нури таркибидаги зарарли ҳисобланмиш бинафша заррачаларни қамраб олиш хусусиятига эга эканлиги исботлаб берилган. Рим университетини қоридида Андроология бўлими профессори Рима Лукас Беллини ва рус олимни Я.Хмельницкий томонидан узоқ вақт давомида ксерокопия ўрнатилган хоналар-

да ишловчи ҳолатлари таъсирида олиб борилган илмий изланишлар натижасига кўра, авваллари хушбўй хидли деб ҳисобланмиш келган озон газидан ксерокопия ўрнатилган хона ҳавосида санитария талаб ва меъёр қоидаларига кўра, 0,5 мг/м³ ҳажмда бўлиши зарур. Лекин ушбу белгиланган меъёрдан ошиб кетиши, хоналарда рўй бериши мумкин бўлган турли жараёнлар, туфайли марказий асаб толлари, нафас олиш йўллари, кўзда оғриқлар пайдо бўлиши, бош отириш, эслаш қобилиятининг пасайиб кетиши, уйқусирашлик каби касалликлар келиб чиқишига асосий сабабчилар-

дан бири эканлигини исботлаб беришди.

Ксерокопия ўрнатилган хоналарда ишловчиларнинг соғлиқларини муҳофаза қилиш, иш шароитини яхшилаш ҳамда уларни турли касалликлардан эҳтиёт қилиш учун қўйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

- хоналарни кундалик шамоллатиб туриши;
- иш жараёнида хоналарда заҳарли таъсир этувчи газларни йиғилмаслиги учун махсус ҳаво узатувчи мосламалар ҳамда совутгичлар ўрнатиш ва улардан фойдаланиш;
- ишловчи ходимларни йилда бир мартаба тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиб туриши;
- ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказига мурожаат қилиб, лаборатория усулида хона ҳавосини, ёруғлик ва бошқа ҳолатларни текширувдан ўтказиб туриш ҳождир.

Раҳмон НИМАНИДИНОВ,
Мирзо Улуғбек туман
Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази коммунал гигиена бўлими асисти мудир.

келди-кетди аримайди. Камтарлиги об-руйига соя солмаган.

Ишдан уйига келгач ҳам тиниб-тинчимайди. Фарзандларини ёнига олиб ҳали у иш, ҳали бу ишга андармон бўлади.

Бир кунни акамнинг идорасига бордим. Ёш боладай қувониб қарши олди. Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Гўшақни кўтарса, қишлоқда 10 йил бирга ўқиган дўсти экан. Акам хурсанд, дўсти билан яйраб гаплашди. Дўсти ярим соатдан кейин яна телефон қилишини айтиб гўшақни қўйди.

— Уйимга олиб кетаман. Янгангиз ош дамлайди. Ахир 20 йилдан бери кўришмаганми. Сиз ҳам албатта ўтинг, — дедилар акам.

Бироздан сўнг телефон жиринглади. Акамиз ўзида йўқ шод, дўстига гапиряпти:

— Кечқурун кутаман.... Албатта ўтинг дўстим. Сиз билан ёшлиқни эслаб бир гурунглашай.

Акамиз бирдан бўшади. Ерга қараб қолди.

— Майли. Ёзиб олинг... Мана у кишининг кўнгироқ рақами. Уйга ўтасизми?

— Кейин ҳижолат бўлиб шундай деди: — Уйимга боролмас экан. Мендан

бошқа одамнинг телефонини сўраш учунгина телефон қилибди. Мен бўлсам...

Адҳам ЗОКИРОВ

ҲАЁТ МУРАККАБ

Автобусда кетяпмиз. Ёнимда қўшним Комил бобо. Ортиғимиздаги ўриндикда икки нотаниш кампир, мудраб кетаётган икки-уч нафар ёш-яланг ҳам бор.

— Ўғилларнинг бири хорижга ишлагани кетдимми? — сўрайди кампир шериғидан.

— Ишлагани бўлса қошки эди. Яшагани кетди, — дейди иккинчиси истар-истамас.

— Унда уйдаги ҳамма нарса сента қолибди-да. Бойиб қолдим дегин, — кампирнинг товушида ҳавасга монанд оҳанг бор эди.

— Уйдаги бор бисот ўзимга қолгани ростқуя, — сикиққина товуш урилади қулोगимизга. — Аммо, ўзинг айт. Бойлиги лаш-лушни бошимга ураманми? Мабодо, ўлиб-нетиб қолгудек бўлсам, ким мени лаҳалга қўяди...

Комил бобо аста бош чайқайди. Биз жим. Кампирлар ҳам жимиб қолган. Ҳаёт ва ўлим оралиғидаги бу гапдан беҳабар икки-уч ёш-яланг мудраб кетарди.

Мурод ИЛҲОМОВ

Дил изғори

ТАЛАБА БЎЛДИМ, ҚУВОНЧИМ ЧЕКСИЗ

Ёшлигимдан санъаткор бўлшми, тўғрироғи театр ва кино актёри сифатида бош роляларни ижро этишни жуда-жуда ҳождим. Менинг севили актёрим халқ артисти Шуккур Бурхонов бўлганлар.

Албатта у кишини кўрмаганман. Лекин бадий фильмларда, театр сахналарида Шуккур Бурхонов яратган образларнинг айримларини телевизор, радио орқали кузатиб, чинакамига уларга мухлис бўлиб қолганман. Тан бериш керак, актёр бўлса Шуккур Бурхонов каби бўлиши керак-да.

Хуллас, камина актёрлик касбинини эгаллаш мақсадида жорий йили Тошкент Санъат институтига ҳужжатларимни топширгандим. Аввалига ижодий имтиҳон бўлди. Радиода ёш актёрлар тўғрарига қатнаб юрганларим фойда берди чоғи, синовдан яхши ўтдим. Тест имтиҳонларидан ҳам юқори балл тўплагаша му-

ваффақ бўлдим. Ҳозирда қувончим чексиз. Ахир талабалик бахти nasib этди. Шу ўринда тенгдошларимга, талаба бўлиш орузида юрган укаларим сингилларимга бир гап-ларим айтмоқчиман. Мактабда, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида яъно бошларга ўқинг, кўп билимларни эгаллашга имтиҳоннинг, китоб мутолаа қилишдан асло эринманг. Ана шунда сиз ҳам мақсадингизга етасиз. Кимда ким тест синовлари ҳам киричи эмас, олий ўқув ортига ҳам тўғрарига қатнаб юрганларим фойда берди чоғи, синовдан яхши ўтдим. Тест имтиҳонларидан ҳам юқори балл тўплагаша му-

ваффақ бўлдим. Ҳозирда қувончим чексиз. Ахир талабалик бахти nasib этди. Шу ўринда тенгдошларимга, талаба бўлиш орузида юрган укаларим сингилларимга бир гап-ларим айтмоқчиман. Мактабда, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида яъно бошларга ўқинг, кўп билимларни эгаллашга имтиҳоннинг, китоб мутолаа қилишдан асло эринманг. Ана шунда сиз ҳам мақсадингизга етасиз. Кимда ким тест синовлари ҳам киричи эмас, олий ўқув ортига ҳам тўғрарига қатнаб юрганларим фойда берди чоғи, синовдан яхши ўтдим. Тест имтиҳонларидан ҳам юқори балл тўплагаша му-

айтаётиман. Истиклолнинг буюк неъмат эканлигини теран англаб етдим. Ахир биз ёшларга ҳукумат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар, бунёд этилаётган коллежлар, лицейлар, мактаблар, замонавий педагогик технологиялар мустақиллик шарофатидан эмасми? Биздан эса яхши ўқиш, орзуга эришиш йўлида мукамал билим олиш талаб этилмоқда.

Шу бос ҳам орзуга эришиш йўлида ҳар қанча синовларга тайёр турсак, кўп илм олсак, албатта олий ўқув юртларидан тахсил олиш ҳар бир ёшга nasib этади.

Обид ФОЗИЕВ, Юнусобод тумани

РАҲМАТ СИЗГА, ХАЙДОВЧИЛАР

«Тошкент оқишми» газетаси тахририятга шунч маълум қиламизки, Истиклол шарофати туфайли ҳозирда ҳар бир соҳада ишловчилар амалга оширилмоқда. Бунинг биринчи «Тошшаҳарйўловчи-тран» акциядорлик компанияси томонидан транспорт воситалари хизматини яхшилаш йўлида амалга оширилётган ишлар, ижобий ўзгаришлардан ҳам пайқаб олиш қийин эмас.

Ушбу мақбумиёси орқали шунч айтмоқчимизки, биз Тошкент туманидаги «Корасарой» маҳалласида истикомат қилами: Бевосита, «Тошшаҳарйўловчи-тран» акциядорлик компанияси томонидан транспорт воситалари хизматини яхшилаш йўлида амалга оширилётган ишлар, ижобий ўзгаришлардан ҳам пайқаб олиш қийин эмас.

Шу бос ҳам «Тошшаҳарйўловчи-тран» акциядорлик компанияси маъмуриятига 123, 42, 121, 155-автотушлар хизматини фойдаланишга тўғри келади. Шунч маҳалла ақли номидан таъкидлаб ўтаемизки, юқорида эслабди ўтилган автотушлар хизматидан жуда миннатдоримиз.

Шу бос ҳам «Тошшаҳарйўловчи-тран» акциядорлик компанияси маъмуриятига 123, 42, 121, 155-автотушлар хизматини яхшилаш йўлида амалга оширилётган ишлар, ижобий ўзгаришлардан ҳам пайқаб олиш қийин эмас.

Тўғрун МИРЗАЕВ, Тошкент тумани, «Корасарой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Газетангиз танқид қилади

ОЛМОСГА ТЕККАН ДОҒ

Истиклол шарофати туфайли шахримиз кундан-кунга гўзаллашиб ўзгача қиёфа касб этмоқда. Бунёд этилаётган серҳашам иншоотлар турар жой биналари пойтахтимиз кўринишини тубдан ўзгартириб юборди дейиш мумкин. Марказий қўчаланинг раволигини айтмайсизми. Бундан ҳам қувонарлиси, кейинги йилларда «Тошшаҳарйўловчи-тран» акциядорлик компанияси ташаббуси билан хориждан замонавий русумдаги «Мерседес-Бенц» автотушлари келтирилди. Ушбу транспорт воситалари хизматидан аҳоли мамнун. Бирок...

Тунов кунни бекатда 2-3 киши 148-йўналишдаги автотушни кўтиб тургандик. Бир маҳал автотуш келди. Келди-ю, автотушдан чиқаётган тутундан ҳамроҳларимиздан бири ўзини қўярга жой топа олмай

**Шифобахи
қисмликлар
ГАЗАГҮТ**

Тоғда бўлагани боғда ўсадиганига қараганда тезроқ ва ўткирроқ ва уни овқат билан ейилмайди.

Боғда ўсадиган ва ёввойи газাগўтнинг энг мувофиқи анжир дарахти ёнида ўсадиганидир.

Газাগўтнинг анор пўстида қиздирилган ширасини кулоққа томизилса, уни тозалайди, оғринини, шангилашини ва ғувуллашини босади, кўртини ўлдиради, бош яраларига ҳам суртилади.

Газাগўтни ичилса ва асал билан бирга қўйиб боғланади, фалажга ва бўғин оғриқларига фойда қилади. Бурун қонаганда уни сиркага қўшиб бурунга тортилса, қонни ғўхтади. Газাগўтни кўзга суртилса ёки уни ейилса, кўзни ўткирлаштиради, айниқса, унинг ширасини арпабодийен шираси ва асал билан қўшиб ишлатилса, яхши таъсир қилади. Уни талқон билан қўшиб кўз лўқиллашига қарши қўйиб боғланади.

Газাগўтнинг ҳар иккала хили ҳам сийдикни хайдаш орқали гавдани чиқиндилардан бўшади, шунинг учун улар ҳам ични қотиради.

Газাগўтни ейиш ва ёғи билан ишқалаш иситма титрашида фойда қилади. Сода билан қўшиб оқ доғ, сўғал ва туг шакли сўғалларга қўйилса, саримсоқ ва пиёзнинг хидини кетказди, «тулки касаллигига» фойда қилади.

ЕТМАК

Бу дорининг кўпинча илдизи ишлатилади.

Акса урдиради. Бу кулоқни тозаловчи ва чиркинни кетказувчидир. Бурун тешиқларидан елларни чиқариб юборади. Галвирсимон суякдаги тикилмаларни кучли очиб буруннинг хид сезмаслик касалигига фойда қилади.

Кучли равишда қустиради ва талоқ қаттиқлигини юмшатади. Ич суради, сийдикни хайдади ва сийдик йўлларидаги тошни майдалаб ташлайди.

ЁВВОЙИ ПИЁЗ

Сепкилга айниқса, офтобда суртилса, фойда қилади. Шунингдек, яралардан қолган изларни ҳам йўқотади.

Бундан сирка қўшиб тайёрланган қуюқ суртма мушак ўртасидаги лат ейишга қарши суртилади. Подаграда ва бўғин оғриқларида ҳам суртилади.

Бошдаги калакка ва яраларга даводир. Суяк синмаган ёрилишларда туҳумнинг сариғи билан аралаштириб суртилади.

Бир ўзини ёки туҳумнинг сариғи билан бирга кўзнинг қонлашганида ишлатилади.

Бунинг қизил ширин хили меъда учун яхшидир. Асал билан бирга меъда оғриқларида суртилади. Аччиқ хили яхшироқ бўлиб, таомни сингдиради.

ЗАНЖАБИЛ

Эслаш қобилиятини орттиради. Бош ва халқум атрофидаги ругубатларни кетказди. Занжабилни сурма қилиш ва ичиш ругубатли кўзнинг хираллигини кетказди.

Хазм қилдиради. Жигар ва меъда совуқлигига мувофиқ келади.

Физика соҳаси бўйича америкалик Дэвид Гросс, Дэвид Политзер ҳамда Франк Вильчек мазкур мукофотга лойиқ топилди. Уларнинг барча элементлар бўлақларини ташкил этувчи қисмлар - кварклар соҳасидаги тадқиқотлари академия томонидан юқори баҳоланди.

Кимё йўналиши бўйича исроиллик Аарон Чехановер, Авраам Гершко ва америкалик Ирвин Роуз академиянинг юксак эътирофини қозонди. Олий мукофот олимларга қон кафасчаларидаги протеин моддалари даражасини назорат қилиш борасида амалга оширган йирик илмий тадқиқоти учун берилди.

Академия вакилларининг таъкидлашича, протеинлар узоқ йиллар мобайнида кимё фани учун жумбоқ бўлиб келган. Бу олимлар ўтган асрнинг 80-йилларида узоқ изланиб, протеин моддалари тирик организм учун ниҳоятда муҳим эканини исботлаб берди.

Тиббиёт соҳасида америкалик олимлар Ричард Аксел ҳамда Линда Бак хид билиш рецептори ва хид билиш тизимини борасидаги ютуқлари учун мукофот соҳиби бўлди. Олимлар янги излаишлари билан ўн мингга яқин хидни аниқлаш ва эслаб қолишининг илмий ус-

лубини ишлаб чиқди.

Иқтисодиёт бўйича эса норвегиялик Финн Кюдланд ва америкалик Эдвард Прескоттга омад кулиб боқди. Уларнинг жаҳон иқтисодиёти, сиёсий иқтисод ва макроиқтисодиёт борасидаги тадқиқотлари бесамар кетмади.

Шарҳловчи мизбари

**НОБЕЛЬ
МУКОФОТИНИНГ
ЯНГИ СОҲИБЛАРИ**

Шу ҳафта Нобель академияси томонидан дунёдаги энг нуфузли мукофотнинг янги соҳиблари номи эълон қилинди. Нобель мукофоти ҳар йили физика, кимё, тиббиёт, иқтисодиёт, адабиёт соҳалари ривожига улкан ҳисса қўшган ҳамда тинчлик йўлида жонбозлик кўрсатган шахсларга берилади.

Адабиёт йўналишида австриялик ёзувчи Элфрида Элинек хоним мукофот соҳиби бўлди. Академия вакилларининг фикрича, у асарларида ҳамиятнинг камчиликларини ўзига хос тилда ифодалаб бера олган.

Бу йил тинчлик ва барқарорлик йўлида жонбозлик кўрсатган номзодлар рўйхати рекорд даражасига етди. Шу боис 194 нафар номзод ичидан энг муносибини аниқлаш ҳам бироз қийин келди. Улар орасида Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик бош директори Муҳаммад ал-Барадеи, АКШ президенти Жорж Буш, Буюк Британия бош вазир Тони Блэр каби қатор сиёсат арбоблари, кўпгина халқаро ташкилотлар бор эди. Нобель академияси узоқ муҳокамадан кейин мукофотни кенаялик аёл Вангари Маатаига беришга қарор қилди.

Таъкидлаш керак, 2003 йили тинчлик мукофоти эронлик ҳакам аёл Ширин Ибодийга насиб қилганди. У демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишига қўшган катта ҳиссаси учун шунга сазовор бўлган эди.

64 ёшли В.Маатаи ўз фаолияти давомида атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик муаммоларни бартараф этишга катта эътибор қаратди.

Хукумат аъзоси бўлганига қадар «Яшил белбоғ» халқаро экологик ҳаракатининг етакчиси сифатида фаолият юритди.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси**

Аттиқ, аммо оғиқ ган

**ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ
КУЧАЙТИРИШ КЕРАК**

Тўғриси айтганда, 13-трамвай йўналишидаги ҳаракат тартиби ҳақида ёзганда, қайси камчиликлардан бошлашни ҳам билмайсан ким. Шу йил 8 октябрь кuni эрталаб навбатдаги «саргузашт»нинг шохиди бўлдим.

Ҳар доимгидек трамвай кетиб қолмасин дея шоша-пиша «Феруза» кинотеатри бекатига чиқдим. Лекин учта бекат оралиғида ҳеч қандай трамвай кўринмас эди. Ҳатто «Девор қоғозлари» бекатида 3-4 дақиқа туришни ўзига хос одат қилиб олган трамвайлардан ҳам дарак йўқ эди. Тахминан 10 дақиқа вақт ўтгач, ниҳоят давлат рақами 3005 бўлган 13-трамвай ҳам етиб келди. Вагон салони ҳар доимгидан тўлароқ эди. Икки бекат нарида — 3-сонли трамвай депоси қаршисида яна бир кутиш бекати мавжуд. Бу ердаги қизил чироқ икки марта ёниб ўчмагунча трамвай чорраҳани кесиб ўтмайди. Табиий-

ки, бекатда назоратчилар турган вақт бундан истисно. Шу сабабли ҳар сафар ўша ерда трамвайдан тушиб келаётган автобус кетидан югуришга тўғри келади.

Хуллас, шу кuni мөн минган трамвай яна шу «қилигини» такрорлади. Вагон ичи тўлиб бўлганига қарамасдан, ҳайдовчи зўрбазўр «Буюк Ипак йўли» бекатига етиб келди. Трамвайдан тушаётиб, эшик олдида назоратчилар йўловчиларнинг чипталарини текшира бошладилар. Мен улардан: «Нима сабабдан трамвай фаолиятини назорат қилмайсизлар?» — деб сўраганимда, менинг ким эканлигимни билмоқчи бўлишди. Гувохномами

очик ҳолда кўрсатиб, ўзимни таништирдим. Ҳеч қандай кўкрак нишонини тақмай назоратчилик фаолиятини олиб борган шахснинг кимлиги билан қизиқдим. У менга ўз ҳужжатини кўрсатишда ва исми-шарифини айтишдан бош тортиди. Бир ўзини ҳайдовчи деб таништирди, сўнг эса трамвай ҳайдовчисининг илтимосига биноан назоратчилик қилганини айтди. Кейинроқ эса таътилда эканлигини билдирди. Трамвай ҳайдовчисини эса ҳайратли тарзда қаттиқ ҳимоя қилди. Худди шу шахснинг ҳар кuni назоратчилик қилаётганини кўраман. Кузатиб туриб, шунга амин бўлдимки, у айнан ушланиб қолиш, кечи-

киб келиш каби камчиликларга йўл қўйиб келаётган ҳайдовчилар билан хушмуомалада бўлади.

Яна бир нарсга эътиборингизни жалб этишингизни истар эдим. Қайси ҳайдовчи, номаълум назоратчи ҳеч қандай руҳсат берувчи ҳужжатсиз ёки таътилдаги ҳодим бошқа бир трамвайдаги йўловчиларнинг чипталарини текшириш ваколатига эга?

Менимча, 3-сонли депо ҳайдовчи ва назоратчиларининг ваколат доираси «чексиз». Жамоат транспортидан фойдаланиш қоидалари моддаларида қайд этилган ҳақ-ҳуқуқлар айнан шундай ҳайдовчилар, мажбуриятлар эса йўловчилар учун чиқарилган, деб ҳисоблайман. Менинг тақлифим шунки, йўловчига истеъмолчи сифатида қарайдиган бўлсак, жамоатчилик назоратини кучайтириш керак. Ана шундагина хизмат кўрсатиш маданияти савияси ошишига эришиш мумкин.

Баҳодир АЗИЗОВ

Қатралар

ДАЛА ГУЛЛАРИ

Уй-рўзгорга керакли нарсаларни харид қилиб, гул сотувчиларнинг қачинага бордим.

Гулларнинг харидори кўп. Кимдир шу гулгун диёр, истиқлол учун курашиб, шаҳид кетганларнинг қабрига қўйиш учун гул саралайди. Куёвнавқарлар висол ва бахт оқишомида билдур вазаларга қўйиш учун турфа гуллардан гулдасталаб ясашади. Кимдир уй ҳавосини яхшилашга тувакдаги гулларни мўлжаллайди.

Ҳа, гулларнинг харидори кўп. Шунда юртим деб, элим деб бепойн далаларда ёниб меҳнат қилаётган деҳқонларнинг ҳосил тутмоққа шай, қийғос очилган чит гулддек солда гуллари димоғимга уфургандек бўлади.

Мул ҳосили билан анвойи гулларнинг қадрини ошириб, бозорини чаққон қилган шу солда гуллар эмасми?!

АҚЛ ВА ЖАҲЛ

Ақл ва жаҳл бир-бирига мухолоф ва зид. Ақлнинг иши доим пухта ва равон. Қадами теккан жойда гулбоғлар унади. Ариқларда шаффоф сувлар шарқирайди. Буни кўрган жаҳл ғазаб отига қамчи босди. Ифлосларни отиб ариқ сувларини

буллади. Мевазорларни қуритди... Барибир, жаҳлнинг олчоқлиги, ақл тадбири олдида ожиз эди.

Шу аснода вақт ўтди. Ақл дилбанди бўлиб оқил, жаҳл дилбанди бўлиб жоҳил дунёга келди.

**Оқил босган излардан,
Чечак унар бўстон ўзгача.
Жоҳил юрган йўллardan
Доғлар қолур, дoston ўзгача.**

ҚАРИ ЖИЙДА...

Бағри жулдур чопондек, тикан соқолли ясси тепа. Бир туш жийда ягтини тираб унга ёнбошлаган. Мўрт, эски шохлари узук-юлуқ. Қамчилик чайир ёш новдалари сийрак. Уйинқароқ болалар танасининг қуриган жойига ўт қўйишганми, ғовагидан тутун ўрлайди. Гоҳ кўз ели эсиб, чўгини пуфлайди. Юзидан кули учиб, шафақдек қизарди чўғлар. Назаримда жийда илтижо билан ёлбораётгандек менга. Жийданинг ёнгинасида шалтираб оқаётган ариқ сувидан кўлоблаб, ўтни учирай десам пақир йўқ. Майсалардан ярим кучоқ юлиб, сувга бўқтирдим, сўнг силкитиб, ёмгирдек сепдим қуяётган бағрига.

Ўтни ёққан болалар ҳув, дарахтлар панасида экан, мени масхаралаб кулиб қочишади.

— Сенларними, шошмай турларинг... Кулоқларингни чўзиб қўймаасамми! — Майсани сувга такорр бўқтириб, жийданинг бағрига қуяман. Болалар бу ҳолни уйинга йўйиб, қийқиршади. Новдаларни от қилиб чопишади. Гудакликда кимхоб, атлас кўрпачаларга ўралиб она сутига тўйинган болалар юрагимда нелар кечаётганини сезишди дейсизми?!

...Отам урушда. Урушнинг қора кўланкаси қишлоғимизга ҳам соя ташлаган. Онам қора терга тушиб, кетмон чапади далада. Мен жийда соясидаги бешикда гоҳ ухлаб, гоҳ чўчиб йиғлаб ҳолдан тояман. Онам кетмонини ташлаб, кўкрак тутди менга. Емишлари ёвғон, атала. Нон эса ўлчовли. Ёмон кунларда жийданинг жонимизга маҳкам бўлганини онам раҳматли кейин айтиб берганлар.

Жийдага маънос термуламан: «Наҳотки, қарганинда бағринг қабоб бўлса, йўқ, ҳали кўп яшашинг керак». Унинг ақкам-дуқкам ёш новдаларидан кесиб ариқ бўйларига эдим.

Эртаси тонгда ариқ сувини кўпайтириб, ниҳолларим ёнига бордим. Кеча илиниб турган қари жийда белидан узилди. Аммо у мендан хурсанд эди. Мен эса ундан.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

ЧОРАК ФИНАЛ ИШТИ-РОКЧИЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида компьютерда дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати (АСМ - Association for Computing Machinery) Марказий Осиё минтақаси чорак финал мусобақасига қатнашиш ҳуқуқини берувчи саралаш баҳслари якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу турнирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 132 нафар ўқувчидан иборат қирқ тўрт жамоа иштирок этди.

Ташкилотчиларнинг айтишича, компьютерда дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати саралаш мусобақаларига юртимиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари илк бора жалб этилган.

Унда ҳар бир иштирокчидан Turbo Pascal, Delphi, C++ каби компьютер дастурлаш тилларини пухта билиш ва амалиётда бемалол қўллаш талаб этилади. Танлов жаҳон чемпионати қонун-қоидалари асосида ўтказилиб, иштирокчилар билими он-лайн тизимида, яъни бевосита интернет тармоғидаги махсус тест дастурлари ёрдамида текширилди.

Танловда энг юқори балл тўплаган йигирма беш жамоа кейинги босқичга йўлланма олди. Энди улар шу йилнинг 2 декабрида Тошкентда Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон вакиллари билан бирга финал (мактаб ўқувчилари) ва ярим финал (талабалар) баҳсларида курашади.

Минтақамизнинг ғолиб жамоалари эса Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтadиган компьютер дастурчиларининг жаҳон чемпионати финал босқичида иштирок этади. Ушбу халқаро турнирда галаба қозонган уч энг кучли жамоа аъзолари катта миқдордаги пул мукофоти билан тақдирланади ва жаҳоннинг Microsoft, АВМ каби йirik фирма ва компанияларига ишга қабул қилинади.

УЗА

«ПАХТАКОР»НИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Мамлакат XIII миллий чемпионатининг 21-тур беллашувлари пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган жамоалар учун омадли кечди.

Бундан бир неча кун аввал «Трактор» жамоаси «Андижон» футболчиларини ўз майдонида 4:0 ҳисобида мағлуб этиб, муҳим очколарни қўлга киритганди.

Мамлакат чемпионати пешқадами «Пахтакор» жамоаси ҳам ушбу турда «Андижон» футболчилари билан ўз майдонида куч синашди. Шунга айтиш жоизки, меҳмонларни энгши пахтакорчиларга қийинчилик туғдирмади. Сабаби, маҳорат бобида рақибларидан анча устун бўлган тошкентлик чарм тўп усталари яна уюшқоқ ҳолда сермазмун ва ҳужумкор ўйин намойиш

этишди. Биринчи бўлимнинг 26-дақиқасида Анваржон Солиев меҳмонлар дарвозасига биринчи тўпни киритган бўлса, учрашув якунланишига санокли сониялар қолганда, яъни хакам томонидан белгиланган қўшимча вақтда Леонид Кошелев дарвозани аниқ нишонга ола билди ва ҳисобни 2:0 га етказди.

Шунингдек, олий лиганинг янги жамоаси «Локомотив» ҳам ушбу турда муҳлисларини анча хурсанд қилди. Бухорода «Бухоро» жамоаси билан куч синашган тошкентлик футболчилар қарши ҳужумда

ҳаракат қилишди. Меҳмонлар томонидан содир этилаётган хавфли вазиятларни ҳимоячилар бартараф этиб туришди. Аммо, 22-дақиқада меҳмонлар футболчиси Иноғомов аниқ ҳаракат қилиб ҳисобни очди. Орадан саккиз дақиқа ўтгач, тошкентликлар уюштирган ҳужумни Дилмухамедов қойилмақом тарзда нихоясига етказди. Ушбу кескин баҳс 1:1 ҳисобида жанговар дуранг билан якунланди.

Дарвоқе, ушбу турнинг «Навбахор» — «Пахтакор» жамоалари баҳси маълум сабабларга кўра ноябрь ойида ўтказиладиган бўлди.

Ушбу турнинг қолган учрашувлари қуйидагича якунланди. «Насаф» — «Нефтчи» — 3:1, «Қизилқум» — «Машъал» — 1:0, «Самарқанд» — «Динамо» — «Металлург» — 1:0. Навбатдаги 22-тур баҳслари 23 октябрда бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

Табиаат ажройиботлари

ҲАЗИЛНИНГ ТАГИ ЗИЛ

Кобралар уруғининг сардори — шоҳ кобра барча заҳарли илонлар орасида энг кучлиси ва йириги ҳисобланади. Унинг узунлиги 5,5 метрча келади. Жануби-шарқий Осиёнинг тропик ўрмонларида яшайди. Асосан заҳарли илонлар билан озиқланади. Одам ёки йирик ҳайвонга заҳар солганида уни бир неча сония тишлаб туради, бинобарин ўлжа танига кўпроқ заҳар юборади.

кўрқувдан қичқириб юбориши-ни кутади, аммо ҳеч қандай садо чиқмагач, хавотирланиб ўша хонага кўз югуртиради. Не кўз билан кўрсинки, ўлган илон ёнида яна битта мамба илони турганди. Икки илон ўртасида хотинининг чўзилиб ётганини кўрган фермер беихтиёр бақириб юборади.

Таниқли бир сайёҳ Африкада кобра билан одам ўртасидаги учрашувни қуйидагича таърифлайди. «Бир куни чангалзорлар оралаб юрганимизда овчилардан бири тўсатдан тўхтаб қолди ва орқага бир қадам ташладиди, чап қўзини қўли билан беркитди, мен шу ондаёқ кўнгилсиз ҳодиса рўй берганини сездим.

Ялангоёқ овчи кобранинг устидан қичиб келади. Бундай тасодифдан чўчиб кетган илон гавдасини гоз кўтариб, овчининг кўзига заҳар отади. Овчи оёқ кўйимиди бўлганида ахтимол бундай кўнгилсиз ҳодиса юз бермаган бўларди. Негаки, оёқ шарпасини илган илон бир лаҳзада яшириниб ултурарди. Шошилч ёрдам кўрсатиш мақсадида беморни чалқанчасига ётқиздик, унинг кўзи қонлаш бўлиб кетган эди. Овчилардан бири беморнинг кўзини пешоби билан юва бошлади. Шундан сўнг у бироз ўзига келди ва ўрнидан турди. Эртаси куни беморнинг кўзи яна бир марта ўша усул билан ювилган, соғайиб оёққа

турди.

Маҳаллий кишиларнинг фикрича, ана шундай чора кўрилмаганда овчининг кўзи кўрмай қоларкан. Табиатшунос олим Богертнинг фикрича, кобранинг заҳар отиш механизми билан тушуриши орасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Аслини олганда тупурадиган кобралар заҳар отган ҳисобланади. Лекин бунда заҳар сўлак билан аралашмасдан чиқади. Илон ҳамла қилиб ташланганида унинг заҳар бези атрофидаги мускуллари кескин қисқаради. Илон тишидан отилиб чиқаётган заҳар босим остида сасфара кетади ва у икки метр масофага етиб боради. Бунда илоннинг танаси бамисоли тарашдек қотиб қолади. Чунки отиладиган заҳар оқими нафас оладиган ҳаво билан сочилиб кетмаслиги керак. Бир марта отган заҳарининг миқдори 3-6 миллиграммни ташкил этади. Илон 4-5 марта заҳар отиши мумкин, кейинги тупуришларида отиладиган заҳарнинг миқдори камайиб боради.

Яхё ДАВЛАТОВ,
биолог
фанлари доктори.

Ҳаққога

Диккенс балиқ овига муккасидан кетган ишқибоз бўлган. У сувга қармоқ ташлаб қўйиб, қирғоқда ўтириб ҳордиқ чиқаришни ёқтирган. Шундай қунларнинг бирида нотаниш киши унга яқин келиб, анъанавий сўроқни беради:

— Қалай, торятими?

— Ҳа, мен ҳозир келдим, — дейди ҳеч нарсадан бехабар ёзувчи. — Лекин кеча шу ердан ўн бешта мана бундай форель балигидан тугтанман.

— Э-ҳа, шунақами?! — жиддий тус олади нотаниш киши. — Биласизми мен кимман? Мен балиқчилик инспектори бўламан. Бу томонларда, биродар, балиқ овлаш қатъиян ман қилинган.

Инспектор расмийлаштириш учун киссасидан жарима қозғосини чиқаради.

— Ҳовлиқманг! — дейди Диккенс пинагини бузмай, — сиз танимадингизми ўзи, мен кимман? Мен Чарльз Диккенс бўламан, машҳур ёзувчи, романистман. Оғзимдан бехосдан чиқиб кетган ёзувчилик фантазиям учун жарима солинмаса керак-ов!

Таниқли физик Отто Форш ўзининг эсдаликларида ёзишича, Эйнштейн юмшоқ табиатли шахс бўлгани сабабли сиймосини тасвирлашни истаган кўпдан-кўп суратқашлар, рассомлар ва ҳайкалтарошларнинг илтимосларини ҳеч қачон рад қилмас экан. Турли ҳолатда улар қаршисида туриш олимнинг кўп вақтини олarkan. Тасодифий танишлардан бири ундан касбини сўраганда:

— Натурачилик — менинг асл касбим, — деб жавоб қилган экан олим куйганидан.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНИЛАР

Ҳўржаник юришувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказиладиган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 213-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1986 йилда Дўлтаева Наргиза Аҳмаджановна номига берилган Д №513163 рақамли шаҳодатнома йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ



**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ахборот — 133-29-70;
эълонлар — 133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тираж, офсет усулида босилади.
2812 нусхада босилади. Қўғи бегини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиқларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа оқидорлик компанияси босмохонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.